

“ХАЁТГА МУҲАББАТ” ҲИКОЯСИДА БАДИИЙЛИК МАСАЛАЛАРИ

А.М. Толипова

ТТЕСИ таянч докторанти

АННОТАЦИЯ

Мақолада АҚШ насрининг ёрқин вакилларида бири Жек Лондоннинг “Ҳаётга муҳаббат” ҳикоясидаги бадиийлик масалалари таҳлилга тортилган. Бунда қиёслаш ва структурал таҳлил усулидан фойдаланилган. Ўзбек тилидаги иккита таржима матнлари асл матн билан солиштирилган. Уларнинг ўзаро фарқлари келтирилади. Шунингдек, асл матндаги воқеанинг муаллиф-ровий тилидан баён қилиниши, ёзувчи назарда тутган бадиий ниёт ҳақида ҳам сўз юритилади.

Калит сўзлар: ҳикоя, таржима, эпиграф, ровий, асл матн, таржима матн, муаллиф нутқи.

Жек Лондоннинг “Ҳаётга муҳаббат” номли ҳикояси инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар, инсон иродасининг товланиши ҳақида қизиқарли воқеадан иборат бўлиб, у кўплаб тилларга таржима қилинган. Лекин адабиётшунослигимизда мазкур ҳикоядаги поэтик масалалар, жумладан, сюжет, композиция, ровий нутқининг ўрни, асл ҳамда таржима матн ўртасидаги муаммолар етарли даражада ўрганилмаган.

Ҳикояда воқеа муаллиф-ровий тилидан баён этилади. Унда чексиз тундрада ёлғиз қолган одамни тасвирланган. Лекин муаллиф-ровий нутқида персонажнинг ҳолати, шериги ташлаб кетган пайтда қаттиқ хафа бўлиши, сўнгра қалбида умидни сўндирмагани монологик нутқ ёрдамида ифодаланади: “Bill would be waiting for him there, and they would paddle away south down the Dease to the Great Bear Lake. And south across the lake they would go, ever south, till they gained the Mackenzie. And south, still south, they would go, while the winter raced vainly after them, and the ice formed in the eddies, and the days grew chill and crisp, south to some warm Hudson Bay Company post, where timber grew tall and generous and there was grub without end. These were the thoughts of the man as he strove onward.”[2].

Диққат қилинса, муаллиф-ровий номсиз персонаж ўйларини ифодаламоқда. Унда ҳали умид сўнгани йўқ. У Титчинничили деган кўл ва ундан бироз юргач эса Диз дарёси бўйича тўнкариб қўйилган қайиғи ва унинг остидаги буюмларини эслар экан, Билл уни ўша жойда кутишига ишонади. Шунинг учун Диз

дарёсигача бориши ва ундан Катта Айиқ кўлига, сўнгра Маккензига қараб, жанубга боришларига, озиқ-овқатга тўла.баланд дарахтлар ўсувчи Гудзон кўрфазига етиб олишига умид қилади. Муаллиф-ровий персонаж ўйларини келтирар экан, уни қудратли Шимол табиати инжиқликлари, оч бўрилар ва унинг устидан кулаётгандек атрофида изғиб юрган буғу ва буғу болалари учраштиради. Ана шу тўқнашувда инсон ўзининг табиат билан бир эканлигини, у ҳам буғу ёки бўри каби шимолнинг оқ туни ёки қуёши ботмайдиган куни олдида нақадар ожиз эканлигини тасвирлайди. Аслида инсон ўзини табиат ва унинг вакиллари олдида хўжайиндек тутиб, ер қарини қовлаб,ҳайвонларни ўлдириб қудратини намоён этса-да, табиат қаршисида ожиз ва ночор эканлиги баён қилинган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Жек Лондоннинг мазкур ҳикояси ўзбек тилига бир неча марта таржима қилинган. Хусусан, Ф.Абдуллаев[4], А.Иминов[3] таржимаси кенг тарқалган. Лекин ҳикоянинг асл матни ва ундаги муаллиф ровий баёни нисбатан фарқ қилади. Биз изланишларимиз давомида инглиз тилидаги матнни ўзбекчалари билан солиштирдик ва кўпроқ асл матндан фойдаланганмиз[2]. Бу аслида таржимашунослик муаммоси саналади. Аммо мазкур ҳикоядаги ровий образи ва унинг асл матн ва ўзбекча вариантыдаги кўринишларини солиштириш ҳам ишимиз мавзуси доирасида деб биламиз. Зеро, муаллиф-ровий тасвирлаган “пейзаж тасвири инсоннинг руҳий оламини очишда муҳим ўрин тутди. Ҳар бир адиб бу психологик воситадан ўзига хос услубда фойдаланиб, қаҳрамон кайфиятига мос ёки зид равишда ифодалаш орқали унинг ички оламига чуқурроқ кириб боради” [5,33]. Бу эса Жек Лондоннинг “Ҳаётга муҳаббат” ҳикоясидаги муаллиф-ровий образи ва у тасвирлаётган персонажга ҳам тааллуқли саналади. Шунинг учун асл матндаги муаллиф-ровий образи ва унинг тили таржимада ҳам аслига яқинроқ берилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Тадқиқот давомида асл матн билан таржима матнларни солиштирганимизда асар номи аслиятда “Love of life and other stoties” (Ҳаётга муҳаббат ва бошқа воқеалар) деб номланган. Ўзбек тилидаги вариантда эса “Ҳаётга муҳаббат”деб берилган. Шунингдек, асл матнда Нью-Йоркда “The Review of reviews company” учун Максимилян (Macmillan) компанияси томонидан нашр этилган, “London:Macmillan and Co Ltd. 1913” деган ёзув берилган. Асл матнда яна “Copyright,1906, By The Macmillan Company” – “Муаллифлик ҳуқуқи Максимилян компаниясига тегишли 1906 йил” деган жумла ҳам келтирилган.

Бундан ташқари, инглизча матнда ҳикоя қуйидаги эпиграф билан бошланади:

“This out of all will remain –
They have lived and have tossed:
So much of the game will be gain,

Though the gold of the dice has been lost.”

Таржимаси: Бу ҳаммадан қолади –

Улар яшашди ва қолдириб кетишди:

Гарчи, ўйиннинг асоси бўлган олтинни йўқотишди,
аммо кўп нарса ютишди.

Ўзбек тилидаги таржималарда эса эпитаф келтирилмаган. Агар ҳикоядаги воқеалар номсиз персонажнинг Билл билан узоқ вақт бирга юрганликлари ва сюжетнинг тугун қисмигача Билл ҳикояда сўзсиз иштирок этганини ҳамда ҳикоя сўнггида ҳикоя қаҳрамонини денгизчилар томонидан топиб олиниши ва очлик васвасаси деган касаллик ҳақидаги эпитаф борлигини ҳисобга олсак, сарлавҳадаги “Ҳаётга муҳаббат ва бошқа воқеалар” деган ном асар мазмунига мос келади. Эпитаф ҳам асар ташқи композицияси таркибига кирганлиги учун ўзбекча матнда ҳам эпитаф бўлиши керак. Чунки унинг мазмуни инсон тириклиги олтинга боғлиқ эмаслиги ва олтинни ташлаб, ярадор, касал, судралиб бўлса-да кема етиб олган персонаж катта ютуққа эга бўлгани таъкидланган. Ровийнинг ҳаётсеварлик, курашчанлик ғояси билан умр ва инсоний фаолият юксак тамойилларга асосланади, деган бадиий фикр илгари сурган.

Асл матн ва таржима ўртасидаги юқоридаги каби фарқлар муаллиф-ровийнинг ҳикоядаги ўрнига кам таъсир этган, деган умиддамиз. Чунки сарлавҳа муаллиф-ровий томонидан нисбатан кенгроқ ва аниқроқ қўйилган. Эпитаф ҳам ровийнинг бадиий ниятини тўлароқ очишга хизмат қилади.

“Реалистик ривоявий насрда инсонни ҳар томондан тасвирлайди, энг асосийси – тасвирланаётган образни ўқувчига, персонаж ва қабул қилувчи идрок ўртасидаги масофани имкон даражада камайтириб, яқинлаштириб кўрсатади” [6,80]. Олимнинг мазкур фикрини бевосита Жек Лондоннинг “Ҳаётга муҳаббат” ҳикоясига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Ёзувчи диспозицияни, ёки ҳаётий материални ўқувчига тақдим этар экан, муаллиф-ровий сифатида ўзининг ижодий оламидан синтез қилиб ўтказди. Бунда воқеликнинг у ёки бу тасвирний детали “кенгайиб” ёки “торайиб” тасвирлайди. Масалан, “At six o'clock he awoke, quietly lying on his back. He gazed straight up into the gray sky and knew that he was hungry. As he rolled over on his elbow he was startled by a loud snort, and saw a bull caribou regarding him with alert curiosity. The animal was not more than fifty feet away, and instantly into the man's mind leaped the vision and the savor of a caribou steak sizzling and frying over a fire. Mechanically he reached for the empty gun, drew a bead, and pulled the trigger. The bull snorted and leaped away, his hoofs rattling and clattering as he fled across the ledges” [2]. (Соат олтида у чалқанча ҳолда уйқусидан уйғонди, кулранг осмонга қаради ва оч қолганини сизди. Тирсагига суяниб, қаддини кўтарган эди, қулоғига қаттиқ пишқирган товуш эшитилди. Қараса, унга

хушёрлик ва қизиқиш билан бир буғу қараб турибди. Буғу ундан эллик қадамча нарида турарди. Шу ондаёқ товада жизиллаб қовурилаётган буғу гўштининг хиди димоғига урилгандек, ўзи гўшт мазасини тотгандек бўлди. Беихтиёр ўқи йўқ милтиғини олиб ўқталди, тепкисини босиб юборди. Буғу чўчиб бир чеккага ташланди ва туёқларини тапиллатиб қочиб кетди). Мазкур парчада номсиз қаҳрамон ухлаган вақти торайиб, уйғонган вақтининг илк дақиқалари эса секинлаштириб, нисбатан кенгроқ баён қилинади. Муаллиф-ровий оч ва тундрада ёлғиз қолган одамнинг руҳиятини аниқ, реалликка яқинлаштириб тасвирлашга эришган. Яъни ўзидан эллик қадам наридаги буғуни кўриб, тасавурида уни қовураётган жараёни акс эттирилади. Бу эса ундаги очлик ҳисси нақадар кучли эканлиги ва милтиғида ўқи қолмаган бўлса-да унга ўқталганини ёзишни талаб этади. Чунки воқеалар мантиғи шуни тақазо этарди. Яъни, оч қолган одам яқингинасига келиб қолган буғуни имкон бўлди, дегунча отиб ўлдиради ва дарҳол пишириб истеъмол қилади. Ровий ана шу жараёни аниқ ва теран руҳий изтироб билан тасвирлар экан, бу ҳолни ўзи бошидан ўтказгандек этиб тасвирлайди.

Шу ерда муаллиф-ровий нутқида биографик далиллар ҳам ўрин тутгани кўзга ташланади. Чунки Жек Лондон 1876 йилда университетдаги ўқишини ташлагач, Канаданинг Шимолий-ғарбий қисмидаги Клондайк худудига боради [1]. Бу ерда шу номдаги дарё бўлиб, ўша даврда дарёнинг ўзанида ва даёр атрофидаги тоғларда олтин кўп бўлганлигига одамлар ишонган. “Клондайк олтин васвасаси” деган тушунча ҳам кенг тарқалган эди. Демак, муаллиф-ровий реал ҳаётда ўзи кўрган табиатни, у ерда олтин васвасасига учраган кишиларни билган ҳамда ҳикоя қилаётган ушбу воқеада улардан фойдаланган бўлиши мумкин. Юқоридаги фикрдан хулоса яшаш мумкинки, муаллиф-ровий асарга биографик маълумотларни ҳам қайта ишлаб киритган.

Аслида муаллиф-ровий, яъни 1876 йилда Калифорния университетининг биринчи курсини тугатаётган йигит учун узоқ сафарга чиқишга ундаган асос – мотив олтин излаш бўлиб, буни ҳикоя сўнгидаги куйидаги парчадан ҳам англаш қийин эмас. “Three weeks afterward the man lay in a bunk on the whale-ship Bedford, and with tears streaming down his wasted cheeks told who he was and what he had undergone. He also babbled incoherently of his mother, of sunny Southern California, and a home among the orange groves and flowers” [2]. (Ўша одам уч ҳафтадан кейин «Бедфорд» кемасидаги каравотда ётганича, кўз ёшларини оқизиб, ўзининг кимлиги ва қандай машаққатларни бошидан кечирганини ҳикоя қилиб берди. У онаси, серқуёш жанубий Калифорнияда апелсин дарахтлари ва гулларга кўмилган уйи борлиги ҳақида пойинтар-сойинтар тарзда сўзлаб берди).

Тўғри, Жек ҳам пулга мухтож ва доимий равишда ишлашга мажбур бўлган

одам сифатида ана шундай мишмишларга ишонгани ва олтин излаб ёки саргузашт излаб Алясканинг Канада ҳудудидаги қисмига борган бўлиши табиий ҳол саналади. У ерда кўрган-кечирган ва эшитганларини мазкур ҳикояда қайта баён қилиб бермоқда, дейишга асос бор.

Нима бўлганда ҳам муаллиф-ровий образи шу ўринда реал асосли воқеаларни баён қиладики, ўқувчи уларга ишонади, улардан таъсирланади. Айниқса, тундрада ёлғиз қолган одамнинг руҳий ҳолатини ишорали тасвирланганини алоҳида таъкидлаш керак.

He built a fire and warmed himself by drinking quarts of hot water, and made camp on a rocky ledge in the same fashion he had the night before. The last thing he did was to see that his matches were dry and to wind his watch. The blankets were wet and clammy. His ankle pulsed with pain. But he knew only that he was hungry, and through his restless sleep he dreamed of feasts and banquets and of food served and spread in all imaginable ways.[1] (Ўт ёқиб, сув қайнатиб, иссиқ сувдан ичиб, ичига иссиқ киргандек бўлди. Тунаш учун тош устига кечагидек чодир тикди. Ётишдан аввал гугуртнинг хўл, куруклигини текшириб кўрди ва соатини бураб қўйди. Одевл хўл ва муздек эди. Оғриқдан оёқлари ўтдай ёнар, лекин у фақат очлик азобини сезар эди, холос. Кечаси ҳар хил зиёфатлар, меҳмондорчиликлар ва дастурхонга тортилган турли ноз-неъматларни тушида кўриб чикди).

Ровий воеаларни сўзлаб берар экан, ўзи кўрган табиат тасвирини қайта тиклайди. Натижада муаллиф-ровий руҳиятида кўрганларидан қайта завқланиш ва уларни такрорлаш амалиёти юз бериб, ана шу воқеалардан ўзи ҳам яна эстетик завқ олади, ўқувчини ҳам ишонтиради. Ҳаётий далиллар ва муаллиф-ровийнинг бадиий фантазияси таъсирида воқеа асар даражасига ўсиб чиқади. Шу ерда ровий образининг икки ҳил ҳолати, умрининг икки қисми кўзга ташланади. Биринчиси, воқеа кечган жойни ўз кўзи билан кўргани бўлса, иккинчи ана шу воқеани қайта баён қилиш жараёни билан боғлиқ кечинмалар ҳисобланади. Биринчи амалий бўлиб, бевосита муаллиф-ровий воқеа кечган маконни кўрган, ккинчиси эса ижодий воқелик бўлиб, муаллиф-ровий ҳодисага бадиий-эстетик нуқтаи назардан ёндашади. Шу тариқа, ровий образининг хусусий қирраларини намоён этади.

Демак, мақоладаги фикрларни яқунлаб хулоса қилиш мумкинки, Жек Лондон “Ҳаётга муҳаббат” номли ҳикоясининг ўзбек таржималарида ташқи композицияга тегишли баъзи жиҳатлар тушириб қолдирилган. Лекин бу ҳиконинг умумий савиясига салбий таъсир этмаган.

Муаллиф-ровий образини ҳикоя композициясини ташкил этувчи, асар тилини белгиловчи, ўқувчи билан ғойибона мулоқотга киришувчи, инсон руҳиятидаги табиий тасвирни кузатувчи каби вазифаларда тасвирлайди.

Ҳикояда ровий образи муаллиф образи билан синтезлашиб, кўплаб ўринларда яхлитлик касб этган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Jack London Biography. <https://www.cliffsnotes.com>.
2. [Jack London. Love of life. http://www.gutenberg.org](http://www.gutenberg.org)
3. Genesis and poetics of triplets. YQ Vahobovich – European journal of literature and linguistics, 2016. – 46-50 p.
4. Жек Лондон. Ҳаётга муҳаббат. [ziyouz.com.uz](http://ziyouz.com/uz).
5. Лондон, Жек. Ҳикоялар. – Тошкент: Давр пресс, 2010. – 228 б.
6. Солижонов Й. XX асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси. Филлог. фан. док.... автореф. 2002. – 50 б.
7. Хализев В. Е. Теория литературы. – Москва: Высшая школа, 1999. – 400 с. www.gumer.ru/books/xalizev